1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

БИЗ 530.000 НАФАРДАН КЎПРОҚМИЗ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — яратувчилик сиёсий ҳаракатлари партиясидир. Биз учун — инсон, халқ, Ватан манфаатларидан ўзга олий манфаат йўқ!

Сайловларда бизга қўшилсангиз, ютқазмайсиз, азиз юртдошлар!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 16 ноябрь, сешанба • № 135 (25.530).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Жаноб Президент Ислом Каримов,

Биз 30 сентябрдан 11 октябрга қадар Конрад Аденауэр номидаги жамғарма таклифига биноан Сизнинг ажойиб республикангизда бўлдик.

Биз Буюк ипак йўли шуҳрати ва неча минг йиллик тарихга эга бўлган Хива, Бухоро ва Самарқанд сингари, ҳақиқатан ҳам, Шарқ маданиятининг дурдоналари саналмиш шаҳарлар гўзаллигидан лол қолдик. Улар ҳар қандай инсонни ўзига ром этади. Ҳар қандай инсон бу дурдоналарни кўргиси келади.

Маҳаллий миқёсдаги сиёсатчилар сифатида бизни мамлакатингизнинг коммунал ва иқтисодий соҳалардаги тараққиёти, шунингдек, немис фирмалари билан ҳамкорлик масалалари қизиқтирарди. Эртаклардагидек ажойиб масканда жойлашган Шаҳрисабз шаҳрида ўз ҳамкасбларимиз билан қизғин музокаралар олиб бориш имконига эга бўлдик. Бунда навқирон республикангиз тўғри лан тараққиёт йўлини танлаганлигига амин бўлдик.

Муҳтарам жаноб Президент Ислом Каримов,

Сизга ҳамкасбларимиз, бургомистрларга кўрсатган ғамхўрлигингиз ва бутун сафаримиз давомидаги мислсиз меҳмондорчилик учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчимиз. Бу сафар бизда бутунлай ғаройиб ва унутилмас таассурот қолдирди.

Сизнинг гўзал мамлакатингизга фуқаролар фаровонлиги йўлида муваффақиятли ривожланиш ёр бўлишини ҳамда Ўзбекистон — Германия дўстлиги бундан буён ҳам бутун ер юзида тинчлик ўрнатилиши йўлида янада мустаҳкамланиб бораверишини тилаймиз.

Камоли эҳтиром ила, Сизнинг бургомистрларингиз

Карл ШЭФЕР,
Майкаммер шаҳри муниципалитети
Оттмар КЛЯЙН,
Бад Бергцаберн шаҳри муниципалитети
Эльмар ВАЙЛЛЕР,
Херксхайм шаҳри муниципалитети
Манфред ЗЕЕФЕЛЬДТ,
Оффенбах шаҳри муниципалитети
Людвиг ЛЕНБЕРГЕР,
Аннвайлер шаҳри муниципалитети

Бугун барча сайлов округи ва участкалари аъзолари зиммасида улкан масъулият бор. Аввало улар қонун йўлидан оғишмай, ҳалол, виждонан ишлашлари керак. Шундагина сайловларда тенглик таъминланади. Пайариқ туманидаги 524-сайлов участкасида ҳам айнан шу хусусда сўз борди. Чапдан: тумандаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги раис ўринбосари Ойсафа Саидова, фермер хўжалиги бошлиғи Турсун Ёлғошев, 118-Пайариқ сайлов округ комиссияси котиби Кенжа Зарипов участка комиссияси аъзоси Сожида Рустамова ҳамда 554-сайлов участкаси раиси Муқаддам Саидовалар галдаги вазифалар борасида суҳбатлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Мақсадимиз – тинчлик ва фуқаролар тотувлиги

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятдан Республика Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар, туман, шаҳар кенгашлари биринчи котиблари иштирок этдилар.

Мана, 8 йилдирки, биз эркинлик, озодлик нафаси уфуриб турган шароитда яшаяпмиз. Бу йиллар миллий давлатчилигимиз тикланиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, Ўзбекистоннинг дунё миқёсида обрў-эътибори ортиб бориш йиллари бўлди. Олдимизда эса Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлидаги яна бир янги довон турибди. Бу — сайловлардир. Кўппартиялилик асосида ўтказиладиган мазкур сайловларда кураш кескин бўлади. Янги аср остонасида турган эканмиз, кейинги беш йил ичида мамлакатимиз ҳаётининг қандай бўлиши қайси номзодга овоз бериш, кимни сайлашга чамбарчас боғлиқдир.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз номи билангина эмас, дастурий мақсадлари ва вазифалари, айниқса, амалий фаолияти билан меҳнаткаш халқ партияси, миллати ва диний эътиқодларидан қатъий назар, барча фуқаролар партияси эканлигини исботлашга интилмоқда. — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов. —

ХДП хабари

Партия сайловларга ўз сиёсий платформаси билан келди. Шунингдек, партиядан номзоди қўйилганларнинг ҳар бирида ўз дастури бор. Улар ҳудудларда аҳоли манфаатлари йўлида ўз олдиларига аниқ мақсад қўйганлар. Барча дастурларда ягона бир умумий жиҳат борки, у ҳам бўлса, меҳнат аҳлини, ҳалол тадбиркорни, ўз меҳнати ва ақл-идроки билан халқ бойлигини яратаётган оддий одамларни, кам таъминланган, кўп болали оилаларни, ёлғиз қарияларни, уруш ва меҳнат фаҳрийларини, ногирон ва бошқа оғир шароитларга тушиб қолган фуқароларни кучли ижтимоий ҳимояга олишдир.

Соҳиб САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Тадбиркорлар бармоқ тишлаб қолди

ёки Пайариқ туманидаги «Балиқчи» масъулияти чекланган жамиятдаги қонунни менсимаслик ва ўзибўларчилик хусусида

Ўтган йилнинг баҳори балиқлар айни урчийдиган, уруғ қўядиган паллада хўжаликка янги раҳбар «И.О» бўлиб келди. Асли касби ҳуқуқшунос бўлиб, «Етти хазина»нинг бири балиқчилик соҳасида бир кун ҳам ишламаган кишининг вилоят сув хўжалиги бирлашмасида юрист-маслаҳатчи вазифасида ишлаётган Абдувоҳид Ғофуровнинг шаҳардан узоқ хўжаликка ишга келиши кўпчиликни қизиқтирди. Баъзи бировлар эса бу тасодифий ҳол эмас, дея таҳлил қилишди. Тўғри, Самарқанддан 60 километр жойга жазирама иссиқ, қаҳратон қишнинг этни тешиб юборувчи изғирин совуғида қатнаб ишлаш осон эмас. Балиқчиликка мавсумий иш деб қараш эса хомхаёллик. Устига устак, раҳбар эрталабки ёки кечки соатларда ишхонасида бўлиши, албатта лозим. Ахир, муаммолар, топшириқлар зудлик билан жойида ҳал қилиниши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида узоқни кўзлаб ишлаш, кишилар ғам-ташвишларига шерик бўлиш муҳим.

Абдувоҳид Ғофуров балиқчилар билан бўлган илк учрашувида ортиқча одамлар ихтиёрий равишда ишдан кетиши, кетмаса калишини тўғирлаб қўйишга «имконияти» борлигини айтишни унутмади. Абдувоҳид аввалари сувда чўмилиб, балиқни қовуриб еб мазза қилгандир. Лекин балиқчиликда катта тажрибага эга кишиларга ўринсиз талаб қўйиши нотўғри бўлди. Шу ўринда юртбошимизнинг «Ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлар ҳақида гапирмайлик бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади», деган пурмаъно сўзларини эслаш жуда ўринлидир. Раҳбар ўз соҳасининг етук мутахассиси, ташкилотчиси бўлса, нур устига аъло нур.

Балиқчилар ўртасида раҳбарлар кўнимсизлиги, сердаромад соҳадан фойда ўрнига нуқул зарар кўрилаётганлиги, косаси оқармаётганлиги ҳақида очиқ ва аччиқ гап-сўзлар бўлди.

Тўрабой Кўйбоқов — «Шерали» деҳқон-фермер хўжалигининг раиси: — 1997 йил май ойларида уч нафар киши хўжаликнинг директори Аннақул Эгамқулов номига деҳқон-фермер хўжалик ва кичик корхона ташкил қилиш ҳақида ариза бердик. Аризамиз касаба уюшмаси ва хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилди ва бир овоздан тасдиқланди ҳамда қарор қабул қилинди. Шу қарор асосида «Ўзбалиқ» давлат ҳиссадорлик корпорацияси 1997 йил июнда буйруқ чиқарди. Буйруққа асосан туман ҳокимлигидан қарор олдик.

Мен «Шерали» деҳқон-фермер хўжалиги, Р. Рўзиев «Балиқчи», Т. Авалбоев «Оқ-Амур» кичик корхоналари ташкил қилиб фаолият кўрсата бошладик. Қувонч чексиз эди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади.

Ўтган йилнинг май ойи охирларида Р. Рўзиев ўз кучи билан қуриб балиқ урчитмоқчи бўлган ҳудудни янги бошлиққа кўрсатди. Раҳбар бунга қаршилик қилди. «Хўжаликда ҳеч қандай фермер ва кичик корхона бўлмайди», — деди. Ва қонунга зид равишда бизлардан ариза ёздириб олди. Амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига фаолиятимизни тўхтатди. «Томирим сувга етган, қўлларингдан ҳеч нарса келмайди», дея қўрқитди. Шу боис, ариза ёздик. Аслида унга ариза ёзиб бермаслик керак эди. Ҳақиқатдан ҳам қўрқдик. Кейинчалик эса кўп ва хўп ўйлаб кўриб, нотўғри иш қилганлигимизни сездик. Ҳақ-ҳуқуқимизни талаб этиб мурожаат қилмаган идора, ташкилот қолмади. Лекин натижа йўқ. «Ўзбалиқ» давлат ҳиссадорлик корпорацияси раиси вазифасини бажарувчи В. Гришук қабулига боргандик. «И. О.» раис жаноблари бизнинг ҳақли талабимизни тинглаш ўрнига ишхонасидан «ёзувчисизлар», дея ҳайдаб чиқарди. Наҳотки, ҳақли талаб учун ёзувчи, деган ном олсак?

Ҳозир бизни фаолият кўрсатмаганликда айблашаяпти. Қандай фаолият кўрсатайлик, ахир. Менга, кичик корхона эгаларига ишлашга А. Ғофуров йўл қўймайди-ку. Деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилган йили собиқ раис билан 3 тонна балиқ маҳсулоти етиштиришга шартнома тузгандим. Шартномани бажариш учун кўп меҳнат қилгандим. Янги бошлиқ эса уни инобатга олмади.

Ишлаймиз, тадбиркорлик кўрсатамиз, деб турган пайтимизда бармоқ тишлаб қолавердик. Хотиним Зулфия ўғилларимнинг иш ҳақини сўраб идорага борган. Идорада кўпчилик орасида аёл кишини уятли сўзлар билан ҳақорат қилган. Шаҳарлик маданиятли кишининг, раҳбарнинг қишлоқдаги бу ҳурмача қилиқларини қандай тушунсак бўлади. Қачон ўз ҳақ-ҳуқуқимизга, хўжалик ва кичик корхоналаримизга эга бўламиз?

Хатларни қайта-қайта ўқиб, жамиятга бордик. Балиқчилар билан мулоқотда бўлдик. Хўжалик 1998 йил 21 августда масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган. А. Ғофуров «И.О» ликдан раисликка сайланган. У 1998 йил 1 майдан 2 декабргача 29 кишини ишдан бўшатган. «Ҳа» деса, «лаббай» дея раҳбарнинг кафтига қўнадиган йигирмадан ортиқ киши жамиятга аъзо бўлган. Бири қўй, бири сигир-бузоқ сотиб аъзоликка кирган. Бу йил 65,5 тонна балиқ маҳсулоти етиштиришни мўлжаллаб турибди. Режани бажаришга умид йўқ.

Жамият аъзолари тадбиркорлик, ишбилармонлик қиламиз, деб турган кишиларга қарши. «Улар ёзади. Биз эса текшир-текширдан оворамиз», дея жаврайди. Битта ҳовуздан 100 тоннадан зиёд балиқ маҳсулоти етиштираман, деган киши йўлига ғов бўлиш ҳам инсофдан эмасдир, ахир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг бир йиллик молиявий фаолиятини «Самагротафтиш» аудиторлик корхонаси аудитори Т. Авалбоев тафтишдан ўтказиб, ёзилган далолатномани ҳуқуқ-тартибот органларига топширган. Ўйлаймизки, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунослар мазкур жамиятда йўл қўйилган иқтисодий зарарларни, чалкашликларни қонун йўли билан ҳал қиладилар. Биз эса тадбиркорлик кўрсатамиз, балиқчиликни ривожлантирамиз, халқимиз дастурхонини сероб қиламиз, деган Т. Қўйбоқов ва Р. Рўзиевлар фаолияти тикланади ва уларга амалий ёрдам қўли чўзилади, дея ишонамиз. Самарқандда адолат тарозиси бордир, ахир.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Кофи Аннан Хитойда

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Хитойга тўрт кунлик сафари бошланди. У ташриф давомида Хитой раиси Цзян Цзэмин ва бошқа раҳбарлар билан учрашади. Учрашувларда томонлар БМТнинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириш, Хитойнинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги ишларга кўмаги ҳамда мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

Жазо чоралари кучга кирди

БМТнинг «Толибон» ҳаракатига нисбатан иқтисодий жазо чоралари кучга кирди. Шу муносабат билан АҚШ Давлат департаменти айни пайтда хорижда бўлган америкаликларни толиблар томонидан тазйиқ ўтказилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.

Халқаро ҳамжамиятнинг террорчи Усама бин Ладенни судга топшириш ҳақидаги талаби бажарилмагани сабаб, БМТ толибларга нисбатан шундай жазо қўллашга қарор қилди. Хавфсизлик кенгашининг бу ҳақдаги резолюциясида кўрсатилишича, бундан буён толибларнинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамлари ёпилади ва Афғонистонга ҳаво транспорти қатнови тўхтатилади.

Таътилга чиқмоқчи эмас

Мен мутлақо соғман ва оғир дардга чалинганим тўғрисидаги миш-мишлар асоссиз ўйдирмадир, деди Таиланд Бош вазири Чуан Ликпай. Шу билан у бир неча кун илгари маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарни бутунлай рад этди.

Ўтган ҳафта шифокорлар Бош вазирга соғлиғининг бироз ёмонлашгани учун қисқа муддатга таътилга чиқишни маслаҳат берган эди. Аммо унинг ёрдамчиси сўзларига қарганда, Ч.Ликпай яқин орада дам олишга чиқмоқчи эмас. Чунки яқинда мамлакат парламентида вазирлар маҳкамасига нисбатан ишончсизлик билдириш ё билдирмаслик масаласи кўрилади.

Ҳалокат сабаби аниқланади

АҚШ қутқарув хизмати 31 октябрь куни ҳалокатга учраган «Боинг-767» самолётининг иккинчи «қора қути»сини ҳам топишга муваффақ бўлди. Унда экипаж аъзоларининг барча мулоқотлари ёзилган. Мутахассисларнинг фикрича, у фалокат сабабини аниқлашда катта ёрдам беради. Биринчи қути бир неча кун илгари топилган эди. Бироқ унда фақат техник маълумотлар ёзилган экан, холос.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 16 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	89,27	10 Люксембург франки	35,35
1 Австрия шиллинги	10,36	1 Малайзия ринггити	36,35
1 Англия фунт стерлинги	223,02	1 Германия маркаси	72,92
10 Бельгия франки	35,35	1 Польша злотийси	32,27
1 Голландия гульдени	64,72	1 СДР	190,29
10 Греция драхмаси	4,35	1000 Туркия лираси	0,28
1 Дания кронаси	19,19	1 Финляндия маркаси	23,99
1 БАА дирхами	37,61	1 Франция франки	21,74
1 АҚШ доллари	138,13	1 Швейцария франки	88,84
1 Миср фунти	40,45	1 ЕВРО	142,62
10 Испания песети	8,57	10 Жанубий Корея вони	1,17
100 Италия лираси	7,37	10 Япония иенаси	13,18
1 Канада доллари	94,47	1 Россия рубли	5,25
1 Хитой юани	16,69	1 Украина гривнаси	29,86

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Луқма

Барбод бўлган учрашувлар

Сайловолди курашлари авжига чиқди. Ҳар бир сайлов округидаги 5-6 нафардан номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништириб, ўзига овоз беришга даъват этмоқда. Албатта, амалдаги қонунларга мос, ҳалол равишда кураш олиб боришга не етсин. Аминманки, Ўзбекистондаги барча сайлов округларида ўзаро тарғибот-ташвиқот ишлари худди шу зайлда олиб бориляпти ҳам. Бироқ баъзан гуруч орасидаги тошдек асабга тегувчи ҳолатлар ҳам учраб қолаяптики, айтмасанг дилинг, айтсанг тилинг куяди. Марғилон шаҳридаги 192-«Наврўз» сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига 7 нафар киши ўз номзодини қўйган. Мен шу округдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тарафидан кўрсатилган номзод — Азим Аҳмадалиевнинг ишончли вакилиман. Яқинда сайловчилар талабномасига кўра А. Аҳмадалиев Сармозор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қорашбува маҳаллада сайловчилар билан учрашмоқчи эди.

Аммо биз Қорашбува маҳалласига етиб борганимизда учрашув ўтказиладиган бино бўм-бўш: Сармозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б. Азизов йиғилганларни тарқатиб юборишни буюрган экан! Шаҳардаги бошқа баъзи маҳаллаларда ҳам номзодимиз билан учрашувга тўсқинлик қоллари мавжуд. Барбод бўлган учрашувлар ҳақида расмий далолатномалар тузилган. Хўш, бу қанақаси бўлди?

Давлат ЙЎЛДОШЕВ

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ХДП демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилади. Бунда бош мақсад: ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлган давлатнинг қудрати зўравонликда эмас, балки, унинг қонунларни онгли равишда бажарувчи ҳамда, фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали, жамоат, давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этувчи сиёсий ва ижтимоий фаол фуқароларга таянишида бўлишлигини таъминлашдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан

АБДУРАХМОНОВА Лолахон Дадахановна

26-Мустақиллик сайлов округи

Бўз туманидан вилоят туғуруқхонасига келтирилган аёл чоракам бир соатдан сўнг гўдаги билан хавф чангалидан қутқарилди.

— Дарддан халос қилган қўлларингизни бир ўпай, — деди бемор она жарроҳ Лолахон Дадахановнага қараб. — Шифо бердингиз, фарзандимни бағримга босдим. Шундай бахтга сизларнинг меҳрибончилигингиз билан етдим. Илоё кам бўлманг.

— Ўзингиз ҳам, фарзандингиз ҳам соғ-саломат бўласизлар,— дея беморнинг кўнглини кўтарди шифокор. — Бизни фарзандингиз тўйига айтасиз.

Яхши сўз инсонга куч-қувват бахш этади. Шифокор сўзларидан беморнинг юзи ёришди. Ҳаракатларида миннатдорлик акс этди.

Лолахонни уйида онаси Марҳабохон ая очиқ чеҳра билан кутиб олди. Суҳбатлари оилавий мавзуга кўчди.

— Бобомнинг мактабни битираётганимда дўхтир бўлгин она қизим, қўлинг енгил бўлсин, деб дуо қилганларини эсладим, — деди онасига Лолахон. — Бобомнинг айтганлари менга ҳамиша мадад беряпти. Бувижонимнинг мартабанг улуғ бўлсин дея билдирган тилаклари амалга ошяпти.

— Қизим эл-юртнинг дуосини олганлар кам бўлишмайди, — деб Лолахонни қувватлади онаси. — Раҳматли дадангиз ҳам шундай тарзда умр кечирди. Сизлар кўпчиликнинг корига яраганликларингиздан хурсандман.

Ширин суҳбатдан кўнгиллар яйради. Лолахоннинг қалби қувончга тўлди.

САРИБОЕВ Қўзибой

30-Олтинкўл сайлов округи

Андижон туманидаги «Раввот» деган маҳалларда бир гузар борки, уни ифтихор билан Қўзибой қурган деб аташади. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар бу гузарни Қўзиобод деб номлашган. Бу гапнинг тагида олам-олам маъно бор. Гузар қуришда, ишга туширишда Қўзибой Сарибоевнинг хизматлари беқиёс. У гарчи Олтинкўл туманидаги «Ҳунарманд» очиқ турдаги ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамиятининг раиси бўлсада, шу туманда ҳашаматли гузар барпо этган.

Қўзибой ғишт заводида оддий ғишт қуювчиликдан меҳнат фаолиятини бошлаган. Ҳалол ва жон куйдириб ишлаши уни усталик даражасига кўтарди. Цех бошлиғи бўлди. Шу даврда фақат ғишт ишлаб чиқариш билан шуғулланмади, шиша, кулолчилик буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Кичкина ғишт ишлаб чиқариш цехи бутун Андижон вилоятига таърифи кетган ҳунармандчилик масканига айланди.

Қ. Сарибоевнинг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан Андижон ва Олтинкўл туманларида дурадгорлик, темирчилик, мебелсозлик, мўйначилик соҳаларини ривожлантиришга асос солинди. Олтинкўл «Ҳунарманд» очиқ турдаги ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамияти шаклланди. Ҳиссадорлик жамияти Ҳамдўстлик мамлакатлари бозорларига чиқиш йўлларини излаб маҳсулотлар тайёрламоқда.

СОДИҚОВ Абдулазизжон Абдулхамидович

27-Озодлик сайлов округи

Абдулазизжон Содиқов ёшлар ташкилотида, вилоят партия қўмитасида, ҳокимлик тизимида меҳнат қилиб тобланди. 1997 йилдан Андижон вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси вазифасида ғайрат билан ишлаяпти. Одамларга яқиндан ёрдам беряпти. Юртга фидойилиги билан халқ ҳурматига сазовор бўлаётган инсонлардан бири.

Истиқлол йилларида фаолият, иш юритиш бутунлай янгича тарзда бораётир. Бу касаба уюшмалари фаолиятида ҳам яққол кўринмоқда. Айниқса, кишиларга касаба уюшмаларининг мададкорлиги кучайди. Бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнаткашлар манфаати ҳимоясига эътибор қаратилди. Одамлар билан шижоат-ла ишлаш, уларнинг дардига қулоқ солиш, долзарб муаммолар ечимини топиш учун изланиш Абдулазизжон Содиқовга хос фазилатлардан.

Абдулазизжон Абдулхамидович Содиқов давр талабларини тўғри идрок этишга интилади. Кишиларнинг меҳнат, дам олиш шароитларини яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, кўп болали оналарга, хотин-қизларга имтиёзлар яратиш сингари кўплаб ишлар кўнгилдагидек бажарилиши учун жонкуяр бўлиб, ташкилотчилик қобилиятини намоён этяпти.

ОЛИМОВ Далибой Бозорович

31-Балиқчи сайлов округи

Бу инсон ўз билими ва тажрибасини хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш, деҳқонларнинг бири икки бўлиши каби муҳим вазифаларга бахшида этади. Ҳар бир сўмнинг жойига сарфланишига масъул. Пахта йиғим-терими мавсумида ҳосил учун ҳисоб-китобни талаблар асосида бажарди.

Меҳнат қилган элда азиз. Д. Олимов замон талабини тўғри тушунади. Мутахассислиги бўйича ўқиб-ўрганишга вақт топади. Билганларини бошқалар билан ўртоқлашади, кўпчиликка наф бўлишини ўйлайди.

Келажак, истиқболга ишонч Далибой Бозорович Олимовни шижоатга чорлайди. Шу боис ҳам бир қадам олдинда юришга интилади.

У ибратли оила бошлиғи, иқтисодни яхши биладиган малакали мутахассис сифатида Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзодлардан саналади.

БАЗАРБАЕВ Урман

34-Юқори Шаҳрихон сайлов округи

Олим-агроном Урман Базарбаев меҳнат фаолиятини Шаҳрихон туманидаги академик Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалигида бошлаб, тракторчилик қилган, сўнг Андижон пахтачилик институтида ўқиди. Деҳқончилик тажрибасини қунт билан ўрганди. Жамоа хўжалигида ҳисобчи, раис ўринбосари бўлиб ишлади. 1988 йилдан буён академик Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ибратли иш юритмоқда.

Сўнгги йилларда жамоа хўжалигида кенг кўламдаги иқтисодий-ижтимоий тадбирлар амалга оширилди. Жамоа хўжалиги ширкатлар хўжалигига айланди. Барчада меҳнатга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. Пахтачилик, ғаллачиликда илғор тажриба мактаби қарор топди. Буғдойнинг эртапишар ҳосилдор навлари тажриба тариқасида экилиб, синовдан ўтказилди. Сархиллари уруғлик учун танланди. Дончиликдаги бу тажриба пахтачиликда давом эттирилди. Бу йил ширкат хўжалиги деҳқонлари Болгариядан келтирилган пахтанинг «Белый Извор» нави чигитини экиб шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Эришилган ютуқларни деҳқонлар қаторида тажрибали раҳбар Урман Базарбаевнинг арзирли ҳиссаси бор.

Меҳнати элга манзур кишилар доимо эл назарида бўладилар.

РАХИМОВ Саркарджон Саттарович

28-Шифокор сайлов округи

Саркарджон Рахимов 1952 йили Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент политехника институтини битирган. Андижон механика заводида ишлаб чиқариш мастери, муҳандис-конструктор, мухандис-технолог, программа билан бошқариш бюроси раҳбари, цех бошлиғи, завод ишлаб чиқариш бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1991-1992 йилларда эса ЎзХДП Андижон вилоят кенгашида бўлим мудири, вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири, 1993 йил апрелидан 1998 йил майигача Андижон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 1998 йил май ойидан буён Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби вазифасида ишламоқда.

Оилали. 4 нафар фарзанди бор.

Саркарджон Рахимов янгиликка интилувчанлиги, масъулиятни чуқур ҳис этиши, тиришқоқлиги, юксак инсоний фазилатлари билан ажралиб туради. Ҳалол меҳнати, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш, юрт ободлигига ҳисса қўшиш билан элга танилди. Халқ учун хайрли ишларда доимо камарбаста. Ватанга фидойи, юксак инсоний фазилатлари ва раҳбарлик салоҳияти билан эътиборга сазовор.

ХОЛМУРЗАЕВ Муталиб Мамаюсубович

32-Оқолтин сайлов округи

Асли сўлим Ширмонбулоқ қишлоғида таваллуд топган Муталиб Холмурзаевнинг олим-агрономлик фаолияти Улуғнор тумани хўжаликларидан бошланган. Чўл шароитлари қийинчиликларини мардона енгди, етакчи мутахассис бўлди. Бош ҳосилотликка кўтарилди.

Астойдил меҳнатлари Улуғнор туманидаги «Оқолтин» ширкатлар уюшмаси эришган натижаларда кўриниб турибди. Ғалла ҳосилдорлиги йил сайин юқорилаб бориб, пахтачиликда муваффақиятларга эришиляпти.

Муталиб Мамаюсубович Холмурзаев чўл ерларининг обитобини яхши ўзлаштирган. Режалари улуғ. Ер ўз эгасини топиши тарафдори. Бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш омили, зеро, деҳқончилик йилдан йилга ривож топса, халқ турмуш даражаси кўтарилади. Ер, мулк қадрини биладиганлар қаловини топиб ишлаяптилар. Улар қаторида Муталиб Холмурзаевдек донгдор мутахассиси ҳам бор.

УМАРАЛИЕВ Мухамаджон

35-Истиқлол сайлов округи

Сидқидилдан, ғайрат-шижоат билан ишлаш Мухамаджон Умаралиевнинг ҳаёт тарзи. У қатъиятли раҳбар, дилкаш дўст.

Ҳамиша халқ манфаатини устун қўяди. Асака тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаганида моҳир ташкилотчилиги, одамлар билан ишлаш тажрибаси яққол намоён бўлди. Туман деҳқончиликдаям, бошқа соҳаларда ҳам пешқадамлик қилди. Меҳнаткашлар хонадонига файз кирди.

Мухамаджон Умаралиев айни пайтда Андижон вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси. Мулкдорлар ғамхўри, ибратли ишларнинг мададкори.

Андижонлик тадбиркорлар қулочни кенг олганлар. Яратиш, эл-юртга фойда келтиришни дадиллик билан амалга оширяптилар. Хорижлик ҳамкорлар билан алоқалар мустаҳкамланяпти, қўшма корхоналар қурилиб, жаҳон андозалари асосидаги маҳсулотлар тайёрланяпти. Бундай нафли ишларнинг рўёбга чиқишида вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўрни нуфузли. Унинг ташаббуси билан хорижда малака ошириб келган тадбиркорлар янги ғоялар билан эл-юрт манфаатлари йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Мухамаджон Умаралиевнинг бирдан-бир орзуси юрт равнақига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишдан иборат.

САРКИСЬЯНЦ Альберт Леонидович

29-Андижон сайлов округи

1944 йилда туғилган. Андижон қишлоқ хўжалиги институтини 1967 йилда битиргандан сўнг, Андижон тажриба-синов механика заводида иш бошлаган. Муҳандис-технолог, катта муҳандис-технолог, бўлим бошлиғи, бош муҳандис вазифаларида меҳнат қилган. Унинг ташкилотчилиги Андижон тажриба-синов механика заводида раҳбарлик қилаётган ҳозирги кунларда, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Завод турдош корхоналар ўртасида номдор бўлди, экскаваторларни тўлиқ таъмирлаш йўлга қўйилди.

Корхонада кенг турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги иқтисодий фойдага барака қўшаяпти. Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишида ишлатилган металл конструкциялар сифатли тайёрланганлиги ҳам бунинг тасдиғидир.

Альберт Саркисьянц доимо ўзининг янги ташаббуслари билан корхонани иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга ҳаракат қилади. Жамоадаги ибратли ишларда ҳам унинг тажрибаси ва раҳбарлик истеъдоди яққол намоён бўлмоқда.

Икки фарзанднинг отаси, ибратли оила сардори, Альберт Леонидович Саркисьянц эл учун фойдали ишларни бажаришга қодир.

ТОПВОЛДИЕВ Таваккал Темирович

33-Шаҳрихон сайлов округи

Ҳаёти ўзига хос таърифларга тенг Таваккал Топволдиев улуғ ёшга етса ҳамки доимо халқ орасида, жамоат ишларида фаол. Нуронийларнинг ғамхўри, ёшларнинг мураббийси бўлгани учун ҳурмати баланд.

Кексалару ёшларни Ватан равнақи, тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш сари йўналтиришда Таваккал Темировичдек ҳаёт сабоғини олган инсонларнинг ўрни беқиёс. Ёшлар камолини ўйлаш, уларнинг тарбиясига масъуллик ҳисси бу инсонга ҳамиша йўлдош.

«Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Таваккал Топволдиев ҳаёт ҳақиқатини англовчи кексалар бор жойда муносиб ёшлар камол топишидан ғурурланади.

Инсон ўқиб-ўрганиши, астойдил меҳнат қилиши, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши, ҳар бир оиланинг фаровон ҳаёт кечириши, юртнинг гуллаб-яшнаши отахоннинг истак-нияти, дил амридир.

Таваккал Топволдиевнинг сайловолди дастурининг мазмун моҳияти халқ фаровонлиги, қонун устуворлиги, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат бўлишига йўғрилгандир.

Таваккал Топволдиев каби кўпни кўрган инсонларга халқ эргашади. У сингари камтар, кекса бўлишига қарамай ғайратли инсонларнинг ҳаётий тажрибаси ишимизнинг илгарилашида жудаям асқотади.

АХМЕДОВ Рустамбек

36-Ниёзботир сайлов округи

Асака тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти раиси вазифасида ишлаётганига ўн йилдан ошди. Шу даврда қишлоқ хўжалиги техникаларининг анча янгиланишига меҳнати сингди. Бу жамоа раҳбари муҳандис-техник ходимлар билан ҳамкорликда янгиликлар яратишга жазм этаяпти. Акциядорлик жамияти ҳамда Шаҳрихон ремонт заводи жамоаси ҳамкорлигида минерал ва маҳаллий ўғит сепувчи янги агрегатлар тайёрлангани тинимсиз изланишлар туфайлидир.

Замонавий техникани хориждагидек такомиллашган тарзда ўзимизда ишлаб чиқаришни амалга ошириш Рустамбекнинг орзу-нияти. Депутатликка номзод қонун устуворлигини таъминлашга ҳам доимо эътибор билан қарайди. Қонунларнинг ҳаётий бўлишини таъминлаш жамиятимиз равнақига хизмат қилишини англайди.

Рустамбек Ахмедов ҳамкасблари билан замонавий техника ва машинасозлик янгиликлари устида мунтазам иш олиб бормоқда. Бу борада унга конструкторлик бюросида, Асака ремонт заводида тўплаган тажрибалари асқотяпти.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ИБРАГИМОВ Расулжон Хоринбоевич

37-Асака сайлов округи

Расулжон Ибрагимов ўқиб-ўрганишдан, билганларини бошқаларга бажонидил ўргатишдан чарчамайдиган инсон. Ҳар қаричи тиллога тенг еримиз саховатини ошириш борасида бажарган ишлари бир олам. Хонадони кўплар учун мўъжаз илмий маскан бўлса, томорқа ери мисоли жаннат. Сабзавот экинларининг энг янги, ҳосилдор навлари уруғлари шу ерда экилиб синаладн. Жойларга тавсия этилади.

Андижон вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси вазифасида ишлаб қишлоқ мулкдорларининг фаолияти хориждаги ҳамкасблари даражасига етишини, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин этиш мақсадида уюшма қошида ўқув маркази ташкил этганлиги яхши натижа беряпти. Марказда хорижлик малакали мутахассислар маҳаллий кадрларни ўқитишмоқда. Андижонлик 9 нафар мутахассис Голландия ва Германиядаги фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганишди. Тажрибалар тўплашди.

Вилоятдаги яна бир янгиликка ҳам Расулжон Ибрагимов ҳиссасини қўшди. Деҳқон ва фермер хўжаликларини кооперативларга бирлаштириш бу йилнинг ўзидаёқ кутилган самарани берди. Тажриба тариқасида Улуғнор туманидаги деҳқон-фермер хўжаликлари ихтиёрий, ҳуқуқий меъёрлар асосида бешта кооперативга жамланди. Кооперативлар деҳқон-фермер хўжаликларига раҳбар эмас, балки хизматини енгиллаштирувчи ҳамкорга айландилар.

МУЙДИНОВ Илхам Ўрманович

41-Жалолқудуқ сайлов округи

Олий маълумотли иқтисодчи Илхам Муйдинов айни кунда Жалолқудуқ туманининг «Ғайрат» жамоа хўжалигида бош ҳисобчи вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Янгича тарзда, замон талаблари даражасида ишлашга ҳамнафас, ният-мақсадлари улуғ, хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун тиниб-тинчимайди. Деҳқонлар бой бўлишининг тарафдори.

Илхам Муйдинов иқтисодиётни теран тушуниши, янгиликка интилувчанлиги билан жамоа хўжалиги меҳнаткашларига ибрат бўлмоқда. Юртдошлари Илхамнинг шижоатли ишларига ҳавас билан қарайдилар.

У тотув оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи билан бир ўғил, икки қизни тарбиялаб ўстиряпти.

Хўжалик ишидан ташқари илмий изланиш билан ҳам шуғулланади. Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институтининг аспиранти. «Андижон вилояти шароитида шолининг янги навларини экиш муддати ва уруғчилик сарфи меъёрининг экин ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш» мавзуида тадқиқотлар олиб боряпти. Маҳаллий шароитда шолининг «Мустақиллик», «И—6» сингари янги навлари экилиши юқори ҳосилдорлик омили бўлмоқда. Изланишлар самараси яққол кўриняпти.

Илхамнинг теран мушоҳадаси, илмийлик билан ҳаётийликни сингиштира билиши жамият тараққиётида маълум маънода роль ўйнайди.

ШАРАФИДИНОВ Мукимжон Ходжабекович

45-Избоскан сайлов округи

Мукимжон 1973 йилда Избоскан туманидаги «Гуркиров» жамоа хўжалигида оддий деҳқонликдан иш бошлаган. Бригада бошлиғи бўлди. Кейинчалик бош агрономликни ишонишди.

У хўжалик деҳқонларининг ишончини меҳнати билан оқлади. Тармоқ ривожланиб ҳосилдорлик ошди.

Хўжалик ерларининг ҳар бир гектари унга қадрли. Қишнинг қировли кунларида ҳам, ёз жазирамасида ҳам дала кезади. Ер билан тиллашади. Ишбилармонлиги, янгиликка интилувчанлиги, ташкилотчилик қобилияти билан жамоа хўжалигида пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги йилдан йилга ошяпти. Бу йилги натижалар ҳам кутилганидан зиёда бўлди. Шартнома режалари илғорлар қаторида уддаланди. Натижада деҳқонлар қатори бош агрономнинг ҳам юзи ёруғ бўлди.

Оддийлик, камтарлик, меҳнаткашлик Мукимжонга обрў-эътибор, шон-шуҳрат келтиряпти. Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилишининг ўзи ҳам эҳтиромдан даракдир.

Мукимжон Шарафидинов ерга малҳам, элга дармон бўлишдек масъулиятли вазифани албатта уддалайди. Ерни, одамларни эъзозлаганлар эл ичида ҳурмат топадилар.

ХОЛДАРОВ Алишер Абдурахмонович

38-Марҳамат сайлов округи

Алишер Холдаров «Шукурмерган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб, эл назарига тушди. Истиқлол йилларида қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришнинг жонкуяр иштирокчиси бўлди. Ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётийлигини кўрсатиш учун сидқидилдан тер тўкди, юртдошларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда маросимларни тартибли, замон талаблари асосида ўтказишда А. Холдаров иқтидорининг янги қирралари кўринди. Маҳалла йиғинларининг мустақил хайрли ишларни бажаришда катта куч эканлигини кўрсатди.

Алишер Холдаров замонавий тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишда партиядошларига суяниб иш юритади. Оқсоқолларнинг маслаҳатларига амал қилади.

У қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида маҳаллаларда кўп бўлади. Деярли ҳар бир ҳамқишлоғининг тақдири учун куюнчаклик қилади. Замонавий гузарлар қурилишида кўпчиликни ҳашарга ундайди. У ҳамиша кўпчилик манфаати учун меҳнат қилишдан толмайди.

ИСМАТОВА Юлдуз Асатовна

42-Кўрғонтепа сайлов округи

Шўх куй жаранглади. Раққоса саҳнада куйга мос хиром айлади. Куй раққосанинг ҳаракатлари билан уйғунлашиб кўнгилларга жўшқинлик бахш этди. Раққосанинг қучоғи гулдасталарга тўлди. Халқимиз кўнглига яқин санъаткорларни ҳамиша шундай тақдирлайди. Унинг чиқишларидан олам-олам завқ-шавқ олади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова рақс ижро этганида кўрганларнинг кўнгли яйрайди. Санъатга бўлган меҳр-муҳаббат, машаққатли меҳнат эвазига у шундай даражага сазовор бўлган.

Андижонда таваллуд топган Ю.Исматова 1976 йилда Тошкент театр ва рассомлик институтининг актёрлик, 1985 йилда режиссёрлик бўлимини битирди. Муқимий номидаги давлат мусиқали театрида раққоса, балетмейстер ва режиссёр бўлиб ишлади. 1988-1997 йилларда Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимидаги «Тановор» рақс театрининг бадиий раҳбари ва балетмейстери бўлди. Айни пайтда М. Турғунбоева номли «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг бош директори, кўплаб ёш раққосаларнинг мураббийсидир.

Эл эътиборига тушган санъаткор жамоат ишларида ҳам фаол. Юлдуз Асатовна Исматова Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раёсати аъзосидир. Санъат соҳасидаги хизматлари учун «Халқлар Дўстлиги» ордени билан тақдирланган.

ХАМРАҚУЛОВ Адхамжон

46-Пойтуғ сайлов округи

Адхамжон Избоскан туманидаги мевакўчатчилик давлат хўжалигида ишчи бўлиб меҳнат қилди, тажрибали боғбонлардан иш ўрганди. Боғдорчиликни ривожлантириш ҳаракатида бўлди. 1992 йилда Андижон қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик мутахассислигини битирди. Дастлаб давлат хўжалигида ҳисобчи, шу йилдан эса Избоскан туманидаги У. Мансуров номли тажриба хўжалиги директори вазифасида меҳнат қилмоқда.

А. Хамрақуловнинг агрономлик бўйича чуқур билими, юртимизни кўкаламзор, боғ-роғларга айлантиришда қўл келаяпти. Ташкилотчи раҳбар жамоа ўртасида обрў-эътибор топмоқда.

Хўжалик директори янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ташаббускоридир. Партия фаоли сифатида элюрт ўртасида обрўга эга. У қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш йўлида изчил ҳаракат қилиб жон куйдирмоқда. Эл ишончи А. Хамрақуловни янада ғайрат-шижоат билан ишлаш ва изланишга ундаши табиий.

САЛИЕВ Аминжон Салиевич

39-Булоқбоши сайлов округи

Булоқбошиликларга Аминжон Салиев номи яхши таниш. У тумандаги 36 та маҳалла аҳли билан ака-ука, ота-боладай бўлиб кетган. Маҳалладошлар муваффақиятидан қувониб, муаммоларининг ечимини топишга ҳаракат қилади. Сидқидилдан бажарилган иш эса ўзаро ишончни мустаҳкамламоқда.

Аминжон Салиев «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг раиси сифатида маҳаллаларда кўп бўлади. Кексаларнинг ўгитига қулоқ тутади, ёшларнинг кўнглидаги эзгу-орзуларини рўёбга чиқишига кўмаклашади. У юртдошларига суянса, юртдошлари унга мададкор.

Меҳнат фаолиятини Андижон педагогика институтида фалсафа ўқитувчилигидан бошлаган Аминжон Салиев туман, вилоят, республика миқёсида турли масъулиятли лавозимларда ишлади. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси вазифасида ўзлигини, салоҳиятини намоён қилди. Ҳақ сўзлаб, халқдан айрилмади.

Ҳар бир инсон маърифатли, ҳақ-ҳуқуқини биладиган, юртга фидойи, бурчини бажарадиган бўлиши Аминжон Салиевнинг орзу-умиди.

У эл хизматида бўлиб, камтарлиги, меҳнаткашлиги билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаяпти.

Аминжон Салиев садоқатли оила бошлиғи, тажрибали раҳбар, партиядошлар фахри, маҳаллаликлар меҳрибони, андижонликлар ифтихоридир.

ТАШЛАНОВ Машрабек Ташпулатович

43- Султонобод сайлов округи

Тошкент маданият институтида таҳсил олган. Меҳнаткашларга кўнгилдагидек маданий хизмат кўрсатиб обрў-эътибор топди. Туман маданият бўлими мудири вазифасида ташаббускорлик кўрсатди.

Шу йил кўкламида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қўрғонтепа туман кенгаши биринчи котиблигига сайланди. Партиядошларининг ишончи Машрабек Ташлановни руҳлантириб юборди. 67 та бошланғич партия ташкилоти ишини янада фаоллаштириш чораларини кўрди. Бошланғич партия ташкилотларидаги фаолликни ҳар дам қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари мазмун-моҳиятини оммага етказишга янгича ёндошмоқда. Ислоҳотларнинг рўёбга чиқиши ва мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда бошланғич партия ташкилотлари кучига таянаяпти.

Машрабек турмуш ўртоғи Санобархон Каримова билан уч фарзандни тарбиялаяпти. Унинг сайловолди дастури ҳаётийлиги, халқ кўнглидаги вазифалар қамраб олингани билан қадрлидир.

САИДОВ Назиржон Шамсутдинович

47-Хартум сайлов округи

... Ёмғир севалаб ёғаяпти. Шаҳар чеккасида шовуллаб келаётган машинани кекса бир одам қўл кўтариб тўхтатди. Машина ичидан қоматдор йигит тушиб, оқсоқолга пешвоз чиқди.

— Бемаҳалда нима қилаяпсиз, отахон.

Отахон ўзича зорланди.

— Неварам пахтада касал бўп, балнисага тушиб қопти. Кўриб кетяпман.

— Ҳовли қаерда?

— Яқин болам, яқин. Куйганёрнинг тепароғида «Майгир» қишлоғи бор, ўшатданман.

— Маҳаммаджон, отахон совуққотибди, тезда уйига ташлаб, дам олаверинг. Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб бошлиққа қаради.

— Сиз-чи?

— Раҳбар одамнинг мингта таниши бор. Ҳозир биттаси келиб қолар. Қани отахон, ўтиринг.

Худо ярлақаганидан қувонган қария меҳрибон йигитни дуо қила-қила машинага ўтирди.

Олтинкўл туманидаги «Маслаҳат» қишлоғида вояга етиб, туман газетаси муҳаррири, туманнинг биринчи раҳбари, вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимигача бўлган жўшқин ҳаёт ичида яшаган, яқинда «Андижоннома» вилоят газетаси муҳаррирлигига тайинланган тажрибали журналист, бағри кенг раҳбар, меҳрибон дўст, саховатли инсон Назиржон Саидов онгли меҳнат фаолиятининг илк давриданоқ халқ фарзанди, деган номга сазовор бўлган.

АБДУХАКИМОВА Мўттихон

40-Хўжаобод сайлов округи

Асли Қўрғонтепа туманининг машҳур «Савай»идан бўлган бу қиз 1977 йилда Андижон педагогика институтининг химия-биология факультетини тамомлаб, муаллимлик фаолиятини 20-ўрта мактабдан бошлаган эди. Билим маскани унга чинакам мўъжиза майдони бўлса, болалар жони дили эди. Ундаги ташаббускорлик, янгиликка ўчлик, жамоа билан тил топиб ишлай билишлик қобилиятини пайқаган таълим мутасаддилари ёш педагогни директор ўринбосарлигига тавсия этишди.

Мўттихон кейинчалик Хўжаободга келгач, 13-мактабда муаллимлик фаолиятини давом эттирди. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси бўлди.

1996 йилдан эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази туман бўлимида раҳбар. Мана уч йилдирки, Мўттихон бу вазифани сидқидилдан адо этиб келаяпти. Туман, вилоят миқёсида илмий-амалий анжуманлар ташкил этяпти. Ташаббуси ва бевосита иштирокида аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш борасида қатор ишлар бажарилди.

Тиниб-тинчимас бу аёлдаги жўшқинлик, жонсараклик фазилатларини партиядош дўстлари қадрлайди. Маънавият фидокори бўлган Мўттихон Абдухакимова узоқни кўра билиши, билимдонлиги, эл учун ҳаракатчанлиги билан ўзини кўрсатяпти. Минглаб сафдошлари, ҳамқишлоқлари доимо эл ташвишида куйиб-ёниб юрадиган бу аёлни қўллаб-қувватлаб, унга ҳамфикр бўлишмоқда.

ЭГАМБЕРДИЕВ Абдуллажон Яхшибаевич

44-Пахтаобод сайлов округи

Абдуллажон Эгамбердиев Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган. Андижон вилояти Пахтаобод тумани, «Туркистон» жамоа хўжалигининг бош ҳисобчиси. Малакали мутахассис.

Замон талабини тўғри тушуниб, оқилона иш тутади. Жамоа хўжалигининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишда тиниб-тинчимас.

Ишнинг унуми ташкилотчиликка ҳам боғлиқ. Бош ҳисобчи бу борада партиядошларига намуна бўляпти. Деҳқонларни доимо қўллайди.

Абдуллажон Эгамбердиев халқимизнинг «Режали иш бузилмас» деган ҳикматли сўзларига риоя қилади. Ҳисоб-китобни жойида, бажаришга одатланган. Хўжалик аъзоларининг фикри билан ҳам қизиқади. Тўғри хулоса чиқаради. Шунинг учун ҳам деҳқонлар зарур пайтда ундан маслаҳат олишади.

Иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш, жамоа хўжалиги иқтисодиётига барака қўшиш Абдуллажон Яхшибаевичнинг доимий муддаоси.

Абдуллажон Эгамбердиев ўз устида доимо ишлайди, изланувчан. Иқтисодий-сиёсий билимини ошириб боради. Нияту орзулари ҳаётга ҳамоҳанг. Деҳқонларимиз бой бўлишини жон дилидан истайди. Пок орзу-истаклар унга куч-ғайрат, ҳаётга муҳаббат ато этаяпти.

АБДУРАСУЛОВ Шаробидин Тажидинович

48-Қуйганёр сайлов округи

Томск мухандис-қурувчилик институтини 1982 йилда битириб Оқёр таъмирлаш заводига ишга келган Шаробидин Абдурасуловнинг тақдири шу жамоа билан боғланади. У ишчиларнинг орзу-ўйларига яқин бўлишга интилди. Шу боис жамоадошлари кўнглида нима гап бўлса унга айтадиган, орзулари ҳақида фикрлашадиган бўлишди. Шаробидин самимийлиги, камтарлиги, доимо ёрдамга шайлиги билан кўпчиликка маъқул тушди.

Катта-ю кичик уни ҳудди оғайнисидек кўриб дилини очади.

Жамоа аъзолари кейинги пайтларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш хусусида кўпроқ бош қотирадиган бўлиб боришяпти. Беш йилдирки, жамоа очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишламоқда. Ишчиларда меҳнатга муносабат ўзгариб бормоқда.

Тўққиз йилдирки, Шаробидин шу корхонада раҳбар, жамоа истиқболини ўйлаб фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш яхшиланди. Емирилган бир қатор бутловчи қисмларни шу жойнинг ўзида тиклаш йўлга қўйилди.

Корхона жамоаси яқин-атрофдаги маҳаллаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатяпти. Шаробидин Абдурасулов корхонанинг замонавий технология билан жиҳозланган юксак маданиятли ишлаб чиқариш шароитига эга бўлишини орзулаб, шу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Саҳифа материалларини Ахмадилло СОЛИЕВ ва Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.

ПАЙШАНБА 18

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари».Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».Телесериал. 99-қисм.
10.00,12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар
10.05 Япон тили.
10.25 Кундузги сеанс: «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
11.40 «Бола бошидан».
12.05 «Сайловлар ва биз».
12.25 Болалар учун «Санъат гунчалари».
12.45 «Меҳр қолуғ».
13.00 «XXI аср талабалари».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Адолат мезони».
14.50 «Бу олам сахнида». Мусиқий дастур..
15.20 Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича «Тўмарис» республика аёллар фестивали.
15.40 «Заковат сарчашмаси».
16.00 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
17.30 «Шодонлигим-шодлигим».Озода Назарова.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Болалар учун «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур» Бадиий - публицистик кўрсатув..

19.00 «Ҳидоят сари»
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 «Ватандин яхши ёр ўлмас». Мусиқий дастур.
22.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.00 «Битик».
23.20 «Сомон йўли».
23.50 «Ахборот».
00.20 «Хевсур қиссаси» . Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларини сайловолди платформаси.
19.45 «Мезон».
20.00 Маслак ва мақсад. «Адолат» социал-демократик партияси.
20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Бегойим».
21.30 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.35 Марказий сайлов комиссияси ҳабарлари.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Мен овоз бераман».
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.Спорт қитъаси.
01.20 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 83-серия.
20.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ханда дўкони».
21.45 «Саҳоват».
22.00 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индаба». Телесериал. 11-серия.
23.10 «Таманно». Тележурнал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шаҳарлик келин».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

* * *

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Фидокорлар миллий демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
РДТ
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Ит уяси». Телесериал.
19.20 «Дипкурьер».
РЖТ
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 1-серия.
20.45 СНН-шоу.
21.00 «Время».
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. «Тириклайин кўлга олинсин». Бадиий фильм.
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар» Мусиқийдам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 «Бедорлик».

ЖУМА 19

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Камолот сари».
9.35 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Миниатюра-ранг тасвири»,»Унутилган ўйинлар».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили
10.35 Кундузги сеанс: «Оролчадаги саргузаштлар». Бадиий фильм.
11.40 «Оламни асранг».
12.05 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
12.35 «Кўзгу». Тележурнал.
13.05 Ватан тимсоллари.
13.10 «Жиловланмаган Африка».Телесериал.
14.10 «Сомон йўли».
14.40 «Шарқ тароналари»
15.00 «Умид» — сафарда. Учрашув».
16.00 «Теран томирлар».
16.15 «Милоддан илгари».Адабий кўрсатув.
16.35 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Тўртинчи ҳокимият».
18.50 «Чемпион билан учрашув».
19.05 «Исловот ва масъулият».
19.25,19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.40 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.00 «Ахборот»
23.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги
24.00 «Зўр ўтирибмиз» Бадиий фильм.
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой». Мультфомоша).
18.40 «Талабалар шаҳарчаси».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органлари сайловолди платформаси.
19.45 «Аср қиёфаси». Мусиқий дастур.
20.00 «Маслак ва мақсад». Фидокорлар миллий демократик партияси.
20.30, 21.00, 23.55 Эълонлар.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Қизим сенга айтаман».
21.15 «Автосалтанат».
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Мен овоз бераман.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Наволарда аён этсам.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.40 Синема.
01.10 «Мунаввар тонг истаб».

ТТV

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Турна халифа».
10.35 «Спорт оламида».
10.50 «Сайловолди ўйлари».
11.05 А.Слоним, Х.Қосимов. «1002 кеча ёки» А.Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг спектакли.
12.00 «Ёввои табиат».
12.50 «Ёқимли оҳанглар».
13.10 «Ханда дўкони».
13.35 «Кинонигоҳ». «Шаҳарлик келин».
14.45-15.00 «Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун «Қуралай».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — Фидокорлар миллий демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 84-серия.
20.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Онагинам».
21.45 «Маслаҳат, даволаш, саломатлик».
22.45 «Индаба» Телесериал. 12-серия.
23.05 «Ёшлар қуйлаганда».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Пушаймон».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Халқ демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Бу ажиб дунё».
19.05 «Дил изҳори».
19.15 «Ит уяси». Телесериал.
РЖТ
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Дурдаршан»
21.00 Время.
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.35 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Сайлов-99».
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф: «Манхеттен». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.30 «Дараксчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Юлдузлар карвони», Марина Хлебникова.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
9.40 «Зийнат».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Орзулар қанотида»
10.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.45 «Қалб сайёраси»
11.10 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Учрашув»
12.15 «Акс-садо».
12.45 «Ўзбек спортининг нуфузи»
13.00 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
13.50 «Мус - ринг» Телешоу.
14.20 «Сайқал»
14.40 А.Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

ШАНБА 20

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари»
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Орзулар қанотида»
10.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.45 «Қалб сайёраси»
11.10 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Учрашув»
12.15 «Акс-садо».
12.45 «Ўзбек спортининг нуфузи»
13.00 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
13.50 «Мус - ринг» Телешоу.
14.20 «Сайқал»
14.40 А.Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
16.00 «Нурли келажак».
16.20 «Маҳорат»
16.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз».Бадиий фильм
18.00 Болалар учун «Қувноқ дақиқалар»
18.20 «Фламинго».Кинокўрсатув.
18.40 «Шарқнинг машҳур аёллари»
19.00 «Иқтисод ва биз».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 «Изҳор». Мусиқий дастур.
Спорт дастури:
22.15 «Интерспорт»
22.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги.
23.00 «Халқнинг кўнгли»
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 «Рэчел Хардкайстя». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари

TOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм.

ТТV

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Уч бақалоқ».
10.55 «Ёшлар ҳудуди». «Мен сайловчиман»
11.25 «Бева Бланка». Телесериал.
12.10 Болалар учун. «Сехрли сандиқча».
12.30 «Сиз соғинган наволар».
13.05 «Кинонигоҳ». «Пушаймон».
14.20 «Ишдаги ишқ ёки..»
14.45-15.30 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Чинсэн»
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Ўйинленд». Телеўйин.
18.20 Бугун сиз билан «Шанба дастури».
18.25 «Мисли гавҳар».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 Даромадлик дараклар.
19.15 Эфирда - Халқ демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 85-серия.
20.10 «Таянч».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Лирик концерт».
22.00 «Даллас».Телесериал.
22.50 «Олам».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. «Доно Мандухай хоним».
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Икки рояль».
10.20 «Дурдаршан».
10.35 «Спорт-клуб».
10.50 «ТВ-4да Немис тўлқини».
11.05 «Биргаликда куйлаймиз».
11.50-12.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 «Б.С.Н.Янгиликлари».
19.00 «Дил изҳори».
РЖТ
19.15 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия.
21.00 «Время».
22.00 Кинематограф: «Шоушенкодан қочиш». Бадиий фильм.
00.15 Клипомет.
01.45 «Ахборот» (рус тилида)
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал (Австралия).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Кинопанорама».
18.30 «Хуржунсиз сафар».
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.10 «Д. Копперфильд билан беш оқшом».
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 21

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур
9.00 «Сирли созлар маскани».Мусиқий дастур.
9.25 «Ўзбектелефильм»асарлари намойиши: «Тўй либослари».
9.45 «Гаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Табассум кўчаларида»
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Бўстон». Тележурнал.
12.30 «Мозийдан бир мўъжиза».
12.45 «Келин-куёв».Телешоу.
13.40 «Нигоҳ». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.00 «Муштарак оҳанглар».Мусиқий дастур.
14.25 Кундузги сеанс: «Ҳамроз». Бадиий фильм.1-серия
16.00 «Ёзувчи ва замон».
16.20 «Ҳамроз». Бадиий фильм.2-серия.
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 «Шалпангқулоқ».Мультфильм.
17.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар»
18.30 Ёш ижрочилар концерти.
18.55 «Ўзлик».Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сарҳисоб». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.35 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал».Мусиқий дастур.
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги
23.40 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси»
23.55 Кино янгиликлари.
00.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.30 «Ўйинчилар» Бадиий фильм.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Якшанбада яхши дам.
9.15 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
10.55 «Ёшлар» телеканалида.
11.00 «Бегойим».
11.25 Эколаш. Энг даҳшат ўнталик.
11.40 «Мезон».
11.55 Мусиқий лаҳзалар.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
13.00 Лаззат.
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Марду-майдон».
14.15 Танишинг: Иқбол Солиев.
14.30 «Эркин фикр».
14.50 «Цирк, цирк, цирк...»
15.10 «Ҳудуд».
15.40 Ёшлар овози.
16.00 Сифат ҳақида суҳбат.
16.15 «Компьютер-Осиё».
16.25 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий кўрсатув.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», мультфомоша).
18.40 «Рамаяна».
19.15 «Спорт хафтаномаси».
19.30 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси
19.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
20.00 Маслак ва мақсад. «Халқ демократик партияси».
20.30, 22.00, 23.10 Эълонлар.
20.30 «Синфдош».
20.50 «Ёшлар» телеканалида.
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ҳафта ичида.
21.40 «Якшанбада кўришгунча».
22.00 Маслаҳат.
22.40 «Олам футболи».
23.00 «Компьтер-Осиё».
23.10 Синема.
00.50 «Хайрли тун!»

ТТV

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...»
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.20 «Болажонлар экрани». «Етти умид камалаги».
11.30 «Янги ой чиққан кеча».
11.55 «Бева Бланка». Телесериал.
12.35 «Туризм ҳақида».
13.05 «Жозиба».
13.25 «Кўзгу». Тележурнал.
13.50 «Спорт-тайм».
14.10-16.30 Такрорий фильмлар экрани: «Доно Мандухай хоним».
17.50 «Ойнаи жаҳонда».
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 86-серия.
20.10 «Дурдона».
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат».
21.35 «Даллас».Телесериал.
22.25 «Нуроний». Маросимлар ҳақида ўйлар.
22.45 «Етти иқлим оҳанглари».
23.05 «Хориж ҳангомаси».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Полиция академияси».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сехрли олами»
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили).
11.30-12.15 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Айчурек».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар».
18.25 «Кинопрофи».
РЖТ
18.45 Қувноқ воқеалар «Аралаш» ҳажвий киножурналида.
19.10 Якшанба премьераси: «Заволи кетмас». Кинокомедия.
21.00 «Дил изҳори».
21.10 «Британия кундалиги».
21.25 «Интернет ҳудуди».
21.40 «Мюзик-холл»
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.15 Якшанба кинозали: «Карта, пул ва ажал тиғлари».
23.55 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал.
15.00 «Оилавий кино».
17.10 «Жанговар санъат олами».
17.35 «Экран санамлари».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Алишер РЎЗИЕВ,
навбатчи
Бахтиёр АБДУСАТТАРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004
Газета офсет усулида. А—2 форматда. 16.732 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» матбаасининг кичрайтирилган нашри фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.45
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



Ҳурматли инвесторлар!

1922 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган
Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки
«Ўзсаноатқурилишбанк»

Сизни ўз акциядори бўлишга чорлайди.

Сизга 1500 сўмлик қийматга эга бўлган оддий ва имтиёзли акциялар таклиф қилинади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳар чоракда тўлаб борилади, акцияларни сотиб олиш ва расмийлаштириш тартиби ғоят осон, бу борадаги ҳаражатларни эса банк ўз зиммасига олади.
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг исталган филиалида Сизга сифатли хизмат кўрсатилади ҳамда Банк акциялари, уларни сотиб олиш ва расмийлаштириш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилади.
«Ўзсаноатқурилишбанк» акциялари осон сотиладиган қимматбаҳо қоғоз ҳисобланади. Уни ҳеч бир муаммосиз бошқа бировга сотиш, ўтказиш ёки ҳадя қилиш мумкин.

Янада тўликроқ маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали бизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(998+71) 132-06-13; 133-24-86.

Диққат:
«Кўпкари — улоқ»

Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир.
Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти, Навоий тумани, «Исломобод» янги марказида бўлиб ўтади.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Ташкилий қўмита.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Банк хизматларининг янги тури бўлган замонавий, ишончли тўлов воситаси — «Американ Экспресс» йўл чекларини таклиф этади

Энди чет элда юрганингизда пул операциялари ўтказиш ва ҳисоб-китоб қилиш анча қулай бўлади. «Американ Экспресс» йўл чеклари бутун дунёда энг оммабоп тўлов воситаларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас:

- «Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШда эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;
- миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;
- «АмериканЭкспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;
- йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин. Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;
- чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу пулингизни 100% ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83

Сиз ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимида йўл чекларини сотиб олишингиз мумкин.

Саёҳатда яхши дам олишингизни ва амалий сафарларингиз қулай ўтишини тилаймиз.